**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Бухоро давлат университети**

Ижтимоий-иқтисодий факультет

**“Иқтисодиёт” кафедраси**

**Ҳимояга рухсат этилди**

***Кафедра мудири*** ***и.ф.н.доц.М.А.Орипов***

**«____»__________________2014 йил**

# Битирув малакавий иши

Мавзу: “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини модернизациялаш йўллари ва самарадорлиги”

**Бажарди :** **3-1iqt-10 гурухи битирувчиси**

**Илмий раҳбар:** ***А.Ж.Абдуллаев***

***Ҳимоя санаси*** ***Д.А.К. нинг баҳоси***

**«___»___________2014 йил** __________________

***Д.А.К нинг хулосаси*** __________________________________________

____________________________________________________________________

____________________________________________________________________

**Бухоро - 2014**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Бухоро давлат университети**

*Ижтимоий-иқтисодий факультет*

***“Иқтисодиёт” кафедраси***

**«Тасдиқлайман»**

**Кафедра мудири ____и.ф.н.доц.М.А.Орипов**

**«_____»_________2013 й.**

***Мадиев Улуғбекнинг***

битирув малакавий ишига

# ТОПШИРИҚ

***Битирув малакавий иши мавзуси*** *“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини модернизациялаш йўллари ва самарадорлиги”*

**1. Университет бўйича буйруқ билан тасдиқланган______________________________**

**2. Тугатилган ишнинг талаба томонидан топшириш муддати ____________________**

**3.Тушунтириш хатни таркиби ________________________________________________**

**Битирув ишига тегишли саволлар рўйхати:**

**4. График материалниинг микдори ( мухим чизмаларнинг кўрсатгичи билан )**

**________________________________________________________________________________**

**5.Илмий маслаҳатчилар: ________________________________________________________**

6.Илмий раҳбар: А.Ж,Абдуллаев

**7.Вазифани топшириш санаси__________________________________________________**

**8.Вазифа ижрога қабул ҳилинди________________________________________________**

**Талаба имзоси__________________________________**

**Кафедра мудири имзоси_________________________**

Эслатма: Бу вазифа тугалланган ишга илова

**МУНДАРИЖА**

КИРИШ ………………………………………………………………………….
1-БОБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ……………………
1.1. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш соҳаларини модернизация қилиш назарий асослари………………………………..
1.2. Пахта ва узум махсулотларини қайта ишлаш соҳаларини модернизация қилиш аҳамияти……………………….

2-БОБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ………………………
2.1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг бугунги ҳолати………………………………………
2.2. Пахта ва узим махсулотларини қайта ишлаш иқтисодий самарадорлиги тахлили…………………………………………………

3-БОБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ……………………..
3.1. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш соҳаларини модернизациялаш йўналишлари……………………..
3.2 Пахта ва узим махсулотларини қайта ишлашда модернизация қилишни рағбатлантириш йўллари………………

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР………………………………...
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ………………

## Кириш

**Битирув малакавий ишининг долзарблиги.** Замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик бизнесни янада ривожлантириш учун қулай потенциал имкониятларимиз мавжуд. Президентимиз И.Каримов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳолатини танқидий баҳолар экан, қишлоқ жойларида кичик корхоналар ташкил қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга катта аҳамият бердилар.

Шу билан бирга корхоналарда бошқарув самадорлигини ошириш учун замонавий бошқарув кадрлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оқилона бозор инфратузилмаларини ташкил этиш, корхоналарда бошқарув механизмларини такомиллаштириб бориш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқишни диверсификация қилиш долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Хозирги кунда саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасидаги ишлар тўлиқ ва тўғри йўлга куйилган деб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш масаласини хал қилиш мулк шаклидан каътий назар хар бир корхона олдида тўрган асосий вазифалардан хисобланади.

2010 йилнинг 15 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғриси”да N ПҚ-1442 қарори қабул қилинган эди.

2011-2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, жаҳон бозорида доимий

харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш белгиланиб олинган.

2011 йилнинг 10 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти “2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқарувни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1633 сонли қарорига имзо чекди.

Қарор озиқ-овқат саноати тизимида тармоқ корхоналарини техник ва технологик қайта қуроллантириш, модернизациялаш ва бунинг асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштиришни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳулотларини ҳажми ва турини кенгайтириш учун инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Президенти миз И.А.Каримов табирлари билан айтганда “……афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда[1].”

[1] Prezident Islom Karimovning 2010 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2011 yilga mo‘ljallangan eng muhim ustuvor yo‘nalishlarga bag‘ishlangan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma’ruzasi.

Технолигик модернизация қилиш ишлаб чиқаришни техник жиҳатидан мукаммаллаштириш, ихтисослашувни ривожлантириш, меҳнатни ташкил қилиш ва хўжалик юритиш усулларини яхшилаш билан ишлаб чиқаришни кўп ресурс талаб қилинишини камайтиришга эришилади. Бу эса жамият аъзолари меҳнатининг унумдорлигини ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурс самарадорлигига эришилиши нафақат бевосита ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи, балки улар билан бошқа тармоқларда модернизациялашган, шунингдек маҳсулотни сақлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида таъсир қилувчи жадал омиллар ҳисобига амалга оширилади. Масаланинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш тизимини тахнологик модернизация қилиш зарурати ортиб бормоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётнинг реал тармоғи ва тадбиркорликнинг турли соҳалари ривожланишининг назарий ва методологик масалаларини ишлаб чиқишда қуйидаги хорижий олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар: М.Бакетт, Д.Аяцков, Ф.Котлер, Г.Кулик[2] ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожланиши масалалари бўйича И.Н.Буздалова, А.Ф.Демченко, Н.А.Попова, В.В.Милосердова[3] ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўзбекистонда агросаноат мажмуаси тармоқларини ислоҳотлаштириш ва самарали фаолият юритиши масалаларига А.Жўраев, Ф.Назарова, Ф.Қаюмов, Ч.Муродов, Қ.Хасанжонов, Р.Ҳусанов, Н.Хушматов, Т.Фармонов, Қ.Чориев[4] ва

---

[2] Бакет М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш //Тошкент: «Меҳнат». 1998. - 39 б.; Аяцков Д. Верная задача - поставить кооперацию на ноги // Росс. Кооперация. 1999. -№5. - С.2-8.; Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. –М.: Прогресс, 1990. -736 с.; Кулик Г. Развитию кооперации Правительство придает исключительное значение // Росс, кооперация. 1999. -№1. - С.1-9.

[3] Буздалов И.Н. Возрождение кооперации // Экономика. -Москва. 2005. –С.175.; Демченко А.Ф. Кооперация в животноводстве: проблемы связей и отношений-теория и практика // РУ ВНИИМ. -Москва. 2004. - С.296.; Попов Н.А. Основы формирования единой кооперативной системы в АПК страны. - М..-ЦНТИП и Р, 2005. -С. 157.; Милосердов В.В. Крестьянский вопрос в России: прошлое, настоящее, будущее. -М.: ГУП «Агропресс», 1998. -260 с.

[4] Жумаев О.Т. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.

бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Бу мазкур йўналишда, айниқса, алоҳида ҳудудларнинг аниқ шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини технолигик модернизациялаш

йўллари қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари**. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини технолигик модернизация қилиш назарий асослари;

- пахта ва узим маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини технолигик модернизация қилиш аҳамияти;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қайта ишлаш саноатини ривожлантириш:

- ҳудудий инвеститция, маҳаллийлаштириш дастури ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши:

- бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигимаҳсулотларни қайта ишлаш саноатининг хозирги ҳолати таҳлили

---

-Т.: ЎзБИИТИ. 2004. -24 б.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шариотида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ЎзБИИТИ. 2001. -24 б.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: ТДИУ. 2007. -42 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. -46 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2001 -46 б.; Хушматов Н. Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 1994. -21 б; Ҳусанов Р. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мустақиллик йилларида: муваффақият ва муаммолар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2001. -№ 5. -Б. 15-18.; Жўраев А.М. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт. -Т.: Меҳнат. 1992. -200 б.; Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. -М.: ИПО полиграмм. 1991. -330 с.; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. -Т.: Фан. 1992. -120 с.

- вилоятда 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йуналишлари

- бухоро вилоятида гўшт ва сут маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган янги замонавий корхоналарни куриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш

- бухоро вилоятидаги мева-сабзавот,полиз маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари таҳлили ва экспорт салоҳиятини ошириш йуллари

Битирув малакавий иши кириш, 2 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида таҳлил этилган мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади, вазифалари ва таркиби ёритилган.

# 1-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётининг аграсаноати мажмуида иқтисодий муносабатлар тизимини ислох тубдан қилиш шароитида бозор муҳитидаги ўзгаришларга тезроқ мослашадиган янги бошқарув тизимларини барпо этиш билан бирга корхоналарда бозорни бошқариш дастаклари ва усулларини самарали ўзлаштирирришини таъминлаш кейинги йилларда республикамизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлардаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар Ўзбекистон иқтисодиётида хўжалик юритишнинг янги шаклларини ўзлаштираётган корхоналарнинг, жумладан пахта тозолаш ва қайта ишлаш саноати тизимидаги корхоналарнинг ҳали бозорни бошқариш дастаклари ва усулларини етарлича ўзлаштирмаганлиги, кўп ҳолларда эскича ёндашувлардан воз кеча олмаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса уларнинг фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу сабабли ҳам, мамлакатда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш шароитида турли хил мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар маҳсулотини фойдали сотиш ва тақсимлаш ҳамда шу тариқа фойданинг кўпайиши, инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш, корхонанинг рақобат мавқеини мустаҳкамлаш ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, асосий фондларни янгилаш, технологик қайта жиҳозлаш ва бошқа вазифаларни амалга оширишга тобора кўпроқ эҳтиёж сезаётганлиги маълум бўлмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устивор лойиҳалар амалга оширилаётган шароитда аҳолининг 60 фоиздан кўпроқ аҳоли қишлоқ жойларда яшаши ва аграр тармоқда 23 фоиз меҳнар ресурсларининг банд бўлиши тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш мухим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи соҳага кирувчи тармоқларни ривожлантириш республика иқтисодиёти учун жуда зарур. Мамалакатда амалга оширилган ислоҳотларга қарамасдан қишлоқ жойлардаги аҳолининг маҳсулотларини сотиб оладиган ва улар учун керакли товарларни етказиб берадиган тизим етарли даражада ривожланмаган.

Президенти И.Каримов табирлари билан айтганда "…..ҳалигача қишлоқда бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсултларни шартномавий нархларда сотиб оладиган иккинчи томондан, қишлоқ аҳолисига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган [5] "лиги натижасида ёки мавжудларининг самарали ишламаслиги тармоқнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисмининг нобуд бўлишига олиб келади. Маҳсулотнинг ўз вақтида сотилмасдан қолган иккинчи бир қисми эса анъанавий усулларда қуритилади, консервация қилинади. Бу маҳсулотлар асосан оила мақсадлари учун ишлатилади ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган оилаларнинг даромадининг қисман кам бўлишига сабаб бўлади.

Бу борада айниқса, вино, шарбатлар, мева, сабзавот консервалари, гўшт ва сут маҳсулотларидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш асосий йўналишлар сифатида қаралиши ҳамда уларни айта

---

[5] I.A.Karimov "Erishilgan marralarimizni mustahkamlab, islohotlar yo'lidan izchil borish – asosiy vazifamiz"// Xalq so'zi 2004 y. 10 fevral.

ишлаш тармоқлари технологик модернизация қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Назарий жиҳатдан модернизация бу – (“модерн”- замонавий) иқтисодиёт субъектларини такомиллаштириш, янгилаш ва техник технологик қуроллантириш яъни замон талабига мослаштиришдир.

Қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилиш қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи тармоқлар моддий техник базасини замонавийлаштириш ҳамда қайта ишлаш усул ва услубларини заман талаблари даражасига етказиш тушунилиб, бунда жаҳон базоридаги рақобат курашида бардош бера оладиган юқори самарадорликка эга бўлган замонавий усул ва услублар асос қилиб олинади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида модернизация қилиш моҳияти ва унинг омилларини аниқлаштириш зарурияти туғилади. Иқтисодий адабиётларда аграр ишлаб чиқаришни қайта ишлаш соҳаларини технолигик модернизация қилишнинг моҳияти махсулот бирлиги ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларининг даражаси асосида аниқланиши қайд этилади. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашга қуйидаги бир нечта омиллар таъсир кўрсатиб, уларни 2 та йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Жумладан ижтимоий – иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқиқий омиллардир (1-расм).

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг ошиши қайта ишлаш соҳасини технологик модернизация қилишга тадбиркорларни ундамайди, сабаби меҳнат ресурслари ўртасида рақобат муҳитининг мавжудлиги кам ойлик маошга ҳам ишлашга тайёр ишчилар билан таъминлайди. Натижада тадбиркор замонавий, ҳам ҳаражатли, меҳнат унумдорлиги юқори ва ҳам меҳнат кучи сарфланадиган техника технологияни жорий қилишдан кўра арзон ишчини ишлатишдан манфаатдор бўлади. Қайта ишлаш тармоғида банд бўлган ишчиларнинг юқори малакага эга бўлиши технологияларни жалб қилишда ҳаражатларни камайтирса, аксинча кадрлар малакасининг пастлиги уларни

замонавий технологиядан фойдаланиш учун малака ошириш ҳаражатларини ҳам келтириб чиқаради, бу эса тадбиркорни технологик модернизация қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.




**1-расм. Қайта ишлаш тизимини технолик модернизация қилишга таъсир этувчи омиллар**

Иқтисодиёт тармоқларида қайта ишловчи рақобатдош субъектнинг пайдо бўлиши натижасида, рақобат кураши технологик модернизация қилишга мажбур қилса, ҳудуднинг ривожланиш даражаси (инфратузилма обйектлари ривожи, электр, йўл, таъмирлаш ва бошқа соҳалар) модернизациялаш жараёнига тўғридан - тўғри тасир кўрсатади.

Кредитлаш тизимининг ривожланиши, имтиёзли кредит линялари очилиши, кредитлаш тизимининг соддалаҳтирилиши ҳар қандай мулк эгасини замонавий техника билан қуроланиши учун замин яратиб беради, ҳамда технологик модернизациялаш жараёнини тезлаштиришига ҳизмат қилади.

Солиқ имтиёзлари капитал эгаларини рағбатлантирувчи механизм бўлиб, ундан самарали фойдалаган ҳолда қайта ишлаш соҳасини модернизация қилишга ва даромад манбааини кўпайтиришга ундайди.

Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш тармоқларида молиявий ҳолатининг заифлиги соҳани технологик модернизация қилишга салбий таъсир кўрсатиши, инвестицияларнинг киритилиши уларни фаол бўлишини рағбатлантиради ва қайта ишлаш соҳаси замон талаблари даражасида ривожланади.

Қишлоқ хўжалиги табиий шароитларга боғлиқлиги сабабли қайта ишлаш соҳаларини ҳом ашё билан таъминлаш масаласида мавсумийлик ҳарактеридаги фаолият олиб боради, баъзи ҳолларда даромад йилда бир марта амалга оширилиб капиталнинг ликвидлигини камайтиради. Бундай шароитда давлатнинг дотация ва субсидялари ёрдамида тармоқни технологик модернизация қилиш имконияти пайдо бўлади яъни модернизациялаш жараёни давлатнинг қўллаб кувватлаш дастурларига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Қайта ишлаш тармоғини технологик модернизация қилишга таъсир этадиган омиллардан яна бири бу ҳуқуқий мёрий асослар бўлиб, ҳар қандай фаолиятнинг қонун билан ҳимоя қилинганлиги ва қонуннинг амал қилиш механизми ишлаб чиқилганлигига бевосита бўғлиқ. Капитал эгаси қонун билан ҳимоя қилинмаган фаолиятдан ҳавфсираган ҳолда фаолият қилишдан манфаатдор эмас.

Қайта ишлаш соҳаларининг ривожланишига, уларнинг технологик модернизация қилиш жараёнига маҳсулот етиштирувчилар билан муносабатлари бевосита таъсир кўрсатиб, маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишлаш тармоғи маъсуляти ва мажбуриятларини қай даражада бажаришига,

ўзаро ишончга боғлиқ бўлиб қолади. Замонавий технологиялар билан қуролланган аммо, ҳом ашё билан ўз вақтида таъминланмаган кархонада самарадорлик паст бўлиб, технологияларни ривожлантирищдан манфаатдорликни ҳис қилмайдилар. Ва аксинча маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз вақтида ҳом ашё билан таъминлаши, фойдани максималлаштириш мақсадида замонвий технологияларни жалб қилишга ундайдиган омил саналади.

Мамлакатда яратилган инновацион муҳит замонавий, янгиликларнинг, ихтироларнинг яратилишини молиялаштириш ҳолати қайта ишлаш соҳаларига ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, мамлакат ҳудудидаги инновацоин лойиҳаларни молиялаштириш орқали технологик модернизациялаш имкониятини пайдо қилади.

Жумладан узумни қайта ишлаш соҳасида моддий техник базасини ҳамда технологияларини модернозация қилиш замон талаблари даражасида узумчилик махсулотларини (вино, арок, каняк….) ишлаб чиқаришни, уларнинг ички талаб ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни таъмин этади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи соҳалар қуйидагилардан иборат бўлиб, ҳар бирининг ривожланиш даражаси, моддий техник базаси, технологик модернизация қилиш тажриба ва амалий қадамлари ҳамда ҳар бирига яратиб берилган имкониятлар турличадир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар қуйидагилардан иборат:

- пахта тозлаш заводлари;
- консерва заводлари (балиқ, гўшт );
- пиллани қайта ишлаш фабрикалари;
- сут ва гўштни кайта ишлаш корхоналари;
- Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари;
- мава шарбатлари, вино, коняк каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар;
- жунни, канопни қайта ишлаш корхоналари;
- шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар;

- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- озиқ-овқат саноати;
- терини қайта ишлаш корхоналари;
- ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- пахтадан трикатаж махсулотларини ишлаб чиқарувчи кархоналар ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи соҳа мураккаб таркибга эга. Ҳар бир маҳсулот тури ёки бир-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар бўйича қишлоқ хўжалигининг ўз корхоналари мавжуд. Албатта айрим маҳсулотларни республикада чуқур қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Масалан, республика қишлоқ хўжалигининг асосий экин турларидан бири бўлган пахта хом ашёсининг 100 фоизи дастлабки қайта ишлаш (пахта толасини чигитдан ажратиш ва тойлаш)дан ўтади. Аммо уни чуқур қайта ишлашнинг даражаси катта эмас. Бундай турли туман корхоналарга умумий баҳо бериш юзаки бўлиб қолганлигидан келиб чиққан ҳолда техник экин сифатида пахта ва тез бузулувчи маҳсулот сифатида узумни қайта ишлаш соҳаларини тўликроқ ўрганишга эътибор қаратамиз.

Пахта саноати мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этгани ҳолда ЯИМнинг 9 % ини ташкил этмоқда. Лекин пахта хом ашёсини ярим тайёр ҳолда ёки хом ашё сифатида эхпорт қилиниётганлиги тармоқда самарадорлик даржасини пасайтириб, 7-10 баробар капитал ютқазилаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда пахтани қайта ишлаш тармоқларини технологик модернизация қилиш зарурати давр талабига айланиб, аввало мавжуд моддий техник базани янгилаш, эски қайта ишлаш тизимидан воз кечиш, уларнинг жаҳон талаби даражасида қайта ишланиши ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек замонавий технологиялар ёрдамида тайёр маҳсулот экспорт қилиш соҳаларини ривожлантириш долзарблик касб этмоқда.

Ундан ташқари мамлакатимиз шароитида узум маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари базаси яратилган бўлиб, экспорт имкониятлари кенглиги, тармоқда таъсир этувчи барча омиллардан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятлари яратилган.

Аммо бугунги кунда узум ва узумчилик маҳсулотларини фақатгина МДҲ мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги, мавжуд узум боғларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг 30-40 % товарлилик даражасини йўқолиб бораётганлиги, соҳада замонавий технологиялар ёрдамида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда барча узум маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб, айтганда қишлоқ хўжалиги махулотларини қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилиш жараёни иқтисодий тузулмалар ўзгаришининг жадал кечаётган ҳозирги шароитда муҳим амалий масала ҳисобланиб, бундай фаолиятларни давлат қўллаб қувваталаш дастаклари ёрдамида амалгам ошириш, технологик модернизация қилиш жараёнига таъсир этадиган омилларнинг бирортасига таъсир этиш орқали замин яратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахтачилик ҳамда узумчилик соҳасини иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда сифатли маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш жараёнларида шаклланаётган ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий техник базасини юксалтириш масаласини асосий вазифалар қаторига олиб чиқиш долзарб вазифадир.

## 1.2. ПАХТА ВА УЗИМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАЛАРИНИ ТЕХНОЛИГИК МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АҲАМИЯТИ

Мамлакатда мавжуд ( 18 млн.киши атрофида меҳнат ресурслари, шундан 23 % ёки 4,1 млн.киши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш қайта ишлаш соҳаларида банд) аҳолини иш билан таъминланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи соҳаларнинг ўрни ва роли беқиёс. Бу тармоқларни ривожлантириш мамлакатда ишсизлик муаммосини юмшатади ва унга барҳам бериш имкониятларини кенгайтиради, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотларга кўра, ҳозирги кунда етиштирилаётган баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоизда товарлилик даражаси пастлигича қолмоқда. Бунинг барчаси эса қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш, мавжудларини техногик янгилаш, модернизация қилишнинг аҳамиятини оширмоқда.

Буларнинг барчаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрьдаги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган. «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» [6] ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» [7] ги Фармонлари иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг замонавий тусга кириши, жаҳоннинг технологик етук корхоналари билан рақобатлаша оладиган даражада ривож

[6] “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил. 19 ноябр.

[7] “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил.29 ноябр.

топиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти муҳимлигидан далолат бермоқда.

Малумки, пахта тозалаш саноати мамлакатимиз иқтисодиётида сезиларли ва салмоқли ўрингa эга. Чунки, ушбу пахта тозалаш саноати хом ашё етказиб берувчи пахта хом ашёсини етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан бир томондан, иккинчи томонда ўзи хом ашё етказиб берувчи сифатида тўқимачилик ва ёғ-мой саноати корхоналари билан чамбарчарс боғлиқ.

Пахта хом ашёси етиштирувчи пахтачилик тармоғи қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Пахтачилик масаласининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Сиёсий нуқтаи назарда пахта кичик комплексини самарали фаолият олиб бориши кўп жиҳатларда давлатнинг мавқеи ва салоҳиятини, унинг жаҳондаги таъсирини таъминлайди.

Ижтимоий жиҳатдан қараганди пахтачилик Республика иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, Республика аҳолисининг катта қисми бандлиги ва даромадларини таъминлайди. Пахтачилик иқтисодий томондан олиб қаралганда пахта етиштирувчи хўжаликлар ва уни қайта ишловчи корхоналарни мамлакатни ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, ишлаб чиқариш тузилмаларини шакллантираётганлиги, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ва йўналиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда реал иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқлари қайсидир жиҳатдан пахтачилик билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Пахтачиликдан келиб чиқилган ҳолда республиканинг худудлари ва улардаги тармоқлар ривожланишининг динамикаси белгиланади

Ўзбекистон Жаҳон бозорида юқори ликвидли маҳсулот – пахта толаси, линт, ўлик тола ва бошқа пахта маҳсулотларини сотади. Шу жиҳатда пахта маҳсулотларини сотиш республикамизга чет эл валютаси тушишининг

манбаларидан биридир. Бу Ўзбекистоннинг Жаҳон бозорларидаги самарали фаолиятини таъминлайди.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар тўқимачилик ва бир қатор озиқ-овқат, кимё, фармацептика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё тури ҳисобланади. Пахта толасидан тўқимачилик саноатида калава ип, газламалар, трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади.

Пахта линтидан вата (тиббиёт момиғи), сунъий шойи, целлюлоид, фото ва кино плёнкалари, қоғоз,турли лаклар ва бошқалар тайёрланади. Тола чиқиндиларидан иссиқ кийимлар учун пахта, қаттиқ коғоз олинади.

Пахта чигитидан истеъмол ёғи турлари олинади. Мойи сиқиб олинган чигит чиқиндиларидан совун, алиф, глицерин ва бошқалар олинади. Ҳатто ғўзанинг барги, чаноғи ва пояси чорва молларига ем-хашак ва аҳоли тимонидан ёнилғи сифатида ишлатилади (2-расм).




**2-расм. Пахтани қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар**

Республикамизда кейинги йилларда ўртача ҳар йили етиштирилаётган 3,4-3,6 миллион тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан 1,10 – 1,15 миллион тонна пахта толаси олинмоқда. Ҳозирги кунда 350-400 минг тонна пахта толаси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланиб, ички истеъмолни қондириб, 600-650 минг тоннаси экспорт қилинмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда . пахтани қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши, мавжуд потенциалнинг тўлиқ фойдаланилиши ҳамда самарасиз сарф бўлаётган ресурсларнинг тежалиши учун тармоқни технологик модернизация қилиш мамлакатнинг ривожланиши, аҳолининг доимий даромад манбааига эга бўлиши, ҳамда мамлакат валюта захирасининг бойишига ҳизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиб, Республикадаги пахта тозалаш саноати корхоналарини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида уларнинг ишлаш механизмларини замон талаблари даражасига кўтариш мақсадга мувофиқдир.

Ундан ташқари тез бузулувчан ҳамда тезлик билан қайта ишлашга муҳтожлик сезадиган қишлоқ хўжалиги махсулотларидан бири бу узум ҳисобланади. Узумни қайта ишлаш саноати юқори даромад келтирувчи соҳа бўлганлиги боис, соҳада инвестицион фаолликни яратиш имконияти жуда кенг ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида тармоқни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тадбирларини амалга оширишни енгиллаштиради. Чунки, узумни қайта ишлаш орқали ундан иккиламчи хом ашё ишлаб чиқариш, тармоқ даромадлилик даражасини ошириш билан бир қатор ижтимоий масала, хусусан янги иш ўринларини яратиш каби муҳим муаммони ҳал этади. Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган ижгимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизимида узумчилик ўзига хос ўрин тутади. Унинг асосий вазифаси йил давомида аҳолини қимматбаҳо истеъмол махулотлари, саноатни эса хом ашё билан таъминлашдан иборатдир. Узум

маҳсулоти киши организми учун алмаштириб бўлмайдиган витаминлар, кислоталар, оқсил ва бошқа минералларга бой.

Президентимизнинг 2006 йилда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлапггириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган агросаноат фирмаларини ташкил этиш ва фаолият йўналишларини белгилаш соҳанинг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда эса кутиладиган сув танқислиги ҳамда иқлимдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тармокда экологик тоза ва рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш корхоналарини таъмирлаш ва модернизациялаш, янгиларини ташкил этиш йўли билан аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва уларни экспорт ҳажмини ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Ҳозирги кунда республикада 12658 та узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга бириктирилган токзорларнинг умумий майдони 84,2 минг гектарни ташкил этиб, шундан 63,7 минг гектари ҳосилли токзор ҳисобланади. Шундан 20,5 минг гектари (жами токзорлар майдонларининг 24,3 фоизи, ҳосилли токзорларнинг эса 32,1 фоизи) виночилик тармоқларининг эҳтиёжларини қондирувчи саноатбоп токзор ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёда узум махсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлащдан олинадиган маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Чунки республикамиздаги қулай табиий-иқлим шароити маҳсулотларни етиштириш, сақлаш ва узоқ масофаларга жўнатишда юқори чидамлиликка эга бўлган майиз, шунингдек, турли хилдаги вино, шарбат, концентрат, коньяк ва шампан виноларини ишлаб чиқари учун сифатли хом ашё етказиш имконини беради. Республикамизда бугунги кунда узумнинг

37 нави районлаштирилган.Шунингдек, мамлакатимизда узум махсулотларини қайта ишлаш ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ягона ихтисослашган “Ўзвиносаноатхолдинг” холдинг компаниясига юклатилган.

Маълумки, республикамизда қайта ишланган узумчилик махсулотларининг 30 фоизи ички бозорни таъминлаш имконини беради. Шунинг учун маҳсулот сотишда ташқи бозорларни эгаллаш холдинг компаниясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда компания томонидан ишлаб чиқарилаётган виночилик махсулотлари экспортининг асосий улуши Россия Федерациясига тўғри келади (60 фоиз). Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Украина мамлакатлари ҳам махсулотларни сотишнинг барқарор бозори ҳисобланади. Биргина 2010 йилда компания томонидан 9429,3 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган. Экспорт қилинган маҳсулот қиймати 2006 йилда 7749,9 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2007 йилда 2006 йилга нисбаган 1,2 мартага ошган.

Умуман олганда узум етиштириш ва уни қайта ишлашдан қуйидаги асосий йўналишлар таркиб топади: хўраки ва қуритиладиган узум етиштириш ҳамда бирламчи, виночилик, шарбат маҳсулотлари, турли хил концентратлар ҳамда консервалар ҳамда иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишидир,

Ана шундай технологияларни такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш соҳада иккиламчи махсулотлар самарадорлигини кўпайтиради, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириб, ижтимоий-иқтисодий муоммоларнинг ҳал бўлишига ҳизмат қилади.

Узум маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш тармоғининг ўзига хос хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши хусусиятларининг таркибий қисми сифатида тармоқда ишлаб чиқаришини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсицификациялаш орқали юқори даромадли соҳага

айлантиришда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишни талаб этади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жумладан пахта ва узумни қайта ишлаш соҳаларини технолок модернизация қилишнинг аҳамияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади.




**3- расм. Пахта ва узумни қайта ишлаш соҳаларини технологик модернизация қилишнинг аҳамияти**

Пахта ва узумни қайта ишлашнинг аҳамийтидан келиб чиққан ҳолда енг долзарб муоммолар бартараф этилишига ёрдамлашади ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўсишига ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг геополитик жойлашувига кўра тўғридан-тўғри денгизга чиқувчи транспорт каридорига эга эмас ва шунинг учун ўз маҳсулотини портларга олиб бориш учун қўшни давлатлар худудидан ўтувчи

маршрутлар бўйича жўнатишга мажбурдир. Бу эса, табиийки, экспорт қилинаётган пахта толасининг таннархи ва сифатида акс этиб, унинг рентабеллигини пасайтирмоқда. Республикамизда олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсатнинг йўналишларидан бири пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш асосида ўзимизда қайта ишланган тайёр махсулотларни экспорт қилиш орқали дунё бозорида мавқеини мустаҳкамлашдан иборатдир.

## 1.3. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг мухим тармоғи хисобланади. Бу тармоқаҳолининг озиқ-овқатмаҳсулотларига, саноат тармоқларининг хомашёга булган талабини кондиради. Шу боис иқтисодий ислохотларнинг бошиданок аграр сиёсатимизнинг асосий вазифаси сифатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта яккахоким лигидан возкечиш, озиқ-овқатмаҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноати мажмуасини шакллантириш кабилар белгилаб олинди ва бу борада кўплаб ютук ларга эришилди.

Дархақикат, мамлакатимизнинг қулай ва серқуёш иқлими ҳамдагеографик жойлашуви кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Энг асосий вазифа эса— бу табиий имконият дан оқилона фойдаланиб, хорижий инвестицияларни, айниқса, Транс Миллий Корпорация (ТМК) лар ни ушбу тармоқда жалб этиш оркали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарини шакллантириш ҳамда бу соҳада техник ва технологик янгилашга каратилган инновацион, илмий-тадкикот ва тажриба конструкторлик лойихаларни амалга оширишдир.

Сунгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аграр тармоқда кирувчи окимлари ва ТМКлар кизикиши ошиб бориши ҳам бу

борадаги мақсадларга эришишимизда узига хос воситалардан бири булмокда. Бунга муайян маънода жахонда кечаётган катор омиллар ҳам сабаб булмокда:

- биринчидан, йирик истеъмол бозорига эга булган Бразилия, Хитой, Хиндистон ва Корея Республикаси каби мамлакатларда Иқтисодий Усиш суръатлари тезлашиши аҳолининг гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари сингари озиқ-овқат товарларга талабни оширди. Баъзи холларда ривожланаётган мамлакатлардан озиқ-овқат импортига зарурият тугдирди;

- иккинчидан, жахонда хусусан Бразилия, АКШ ва Европа Иттифоки мамлакатлари хкуматлари томонидан биоёнилги ишлаб чиқарилишининг рагбатлантирилиши ривожланаётган мамлакатларда шакаркамиш, дон маҳсулотлари ва ёг (мой) берадиган уруглар етиштириш учун инвестициялар ҳажми ошишига олиб келди;

- учинчидан, сунгги йилларда озиқ-овқат нархининг кескин кутарилиши натижасида гуруч маҳсулотлари етишмовчилиги ва баъзи ривожланаётган мамлакатларнинг бу каби маҳсулотлар экспортига чекловлар урнатиши кишок хўжалигида «янги инвестор»ларни вужудга келтирди. Корея Республикаси, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар хукуматлари ва кўпгина компаниялари узларида экин ерлари етишмаслиги ва ирригацияни ривожлантиришга сув танкислиги каби сабаблар туфайли хориж қишлоқ хўжалигига инвестициялар киритмокдалар.

Республикамиз ҳудудларида чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, киска муддатли сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш борасидаги техника, технологиялари етишмаслиги билан бирга, ушбу муаммолар хал бўлиши ҳам масалани узил- кесил ечмайди. Чунки, маҳсулотни сотиш борасидаги реал муаммолар бунга тусик бўлади. Шу боис маҳсулотларни «ишлаб чиқариш - қайта ишлаш сотиш» занжирида сотиш ва харид қилишнииг самарали механизмларини вужудга келтириш зарур.

Гўшт ва суг маҳсулотлари бозори коньюнктураси узгариши натижасида энг кўпИқтисодий зарар кураётган томон бу чорвадордир. Чунки аксарият холларда бозорлардан (йирик бозорлар) узокда жойлашган деҳкон бозор узгаришига тез мослаша олмайди. Кўп холларда маҳсулотни яқинрок маҳаллий бозорларга олиб

чикади ва мазкур бозорларда маҳсулот микдори ортиб бахо пасайишидан биринчи навбатда чорвадор зарар куради. Ёки маҳсулотни бозорга чиқаришга умуман имкони бўлмайди.

Айни пайтда, гўшт ва сут маҳсулот- ларини истеъмолчиларга етказиш тизими талаблар даражасида шаклланмаганлиги боис маҳсулот ишлаб чикарувчи хўжалқилар, шунингдек, истеъмолчилар ҳам бирдай зарар курмокда. Ушбу муаммоларни хал этиш йуналишларига эътибор каратадиган булсак:

- гўшг ва сут маҳсулотларини деҳкондан кичик улгуржихарид қилишни ривожлантириш, харидор (фойда олиш учун чакана сотиш мақсадида харид қилувчи хусусий шахслар, тадбиркорлар ва қайта ишловчи корхоналар) билан деҳкон ва фермер хўжаликлари уртасидаги узаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш каттаахамиятга эга;
- деҳкон бозорлари оркали маҳсулотларни сотиш ва ишлаб чикарувчидан бевосита жойида тузилган фьючерс шартномалари асосида харид қилиш амалиётини ривожлантириш давр талабига айланиб бормокда;
- йирик шахарларда супермаркетлар оркали сут ва гўштмаҳсулотларини сотиш билан бирга, жихозланган сут маҳсулотлари сотиш дуконларини ташкил этиш лозим;
- замонавий сақлаш тармоғи, музлаткичлар билан жихрзланган омборларга, хизмат курсатиш инфратузилмаси ва савдо шароитига эга булган тайёрловчи ва қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рагбатлантириш долзарблик касб этмокда.
- Агарда бозорда шаклланган ҳолатга эътибор каратадиган булсак, кўп холларда чакана савдога олиб чикиш деҳконда вақт ва имконият йуклиги, бозорлар узоклиги сабабли транспорт ва бозорда савдо қилиш билан боғлик харажатлар нисбатан Юқорилиги боис, чакана савдо хисобидан оладиган фойда микдорининг кескин камайишига олиб келади. Айниқса, сут ва сут маҳсулотларининг деҳкон хўжаликлар томонидан етиштирилиши деҳконнинг хар куни тайёр маҳсулотни бозорга олиб чикиш имкониятини чеклайди. Сут маҳсулотларининг сифати бузилиш муддати кун эмас, балки соатлар билан белгиланиши, ташишдаги

мураккабликлар, маҳсулотни тайёрлашдаги муаммолар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тусик, булувчи мухим масалалардан хисобланади.

Бугунги куда чорвадор қайта ишловчи билан яхши муносабатда эмас, яъни кўп холларда қайта ишловчи корхоналар томонидан махрулотнинг нисбаган паст бахоларда сотиб олиниши, харид қилиш пайтида маҳсулот сифатини пасайтириб курсатишга уриниш, харид қилинган маҳсулот учун уз вақтида туловлар амалга ошмаслиги, айниқса, деҳқонхўжаликлари учун накд пул билан савдо қилищдаги муаммолар туфайли қайта ишловчи корхоналарга булган ишончи пасайиб борган.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳкон ва фермер хўжаликлари билан гўшт ва сут махрулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятиниИқтисодий боглаш ҳамдамаҳсулотетиштирувчиларни рагбатлантириш мақсадида қайта ишлаш корхоналари томонидан маҳсулот етиштиришни мунтазам бунаклаш механизмини ишлаб чикиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бунда маҳсулот етиштирувчилар чорвадорларга йил давомида етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган шаргномлар асосида маҳсулот кийматининг камида 50 фоизи микдорида бунаклаш мақсадга мувофик. Бу чорвадор деҳкон учун қайта ишловчига нисбатан ишонч туйгусини шакллаширищда жуда мухим;

Маълумки бугунги кунда деҳконхўжаликлари томонидан етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларининг аксарият киисми қайта ишловчиларга эмас, балки деҳконбозорлари оркали сотилади. Бунда катор сабаблар бўлиши билан бирга, асосий ва мухим сабаблардан бири - бу накд пул билан савдо кдилиши имконияти хисобланади. Демак, ушбу вазиятни хисобга олмасдан туриб, деҳконхўжаликлари билан қайта ишловчи субъекглар уртасидагаИқтисодий муносабатларни яхши йўлга куйиш мумкин эмас,

Шунинг учун ҳамқайта ишловчи корхоналар томонидан деҳконхўжаликларидан харид қилинган гўшт ва сут маҳсулотлари учун туловларни накд пулларда амалга ошириш йулларини кидириш лозим. Шунингдек, маҳсулот учун туловларнинг бир қисмини деҳконхўжаликлари учун очилган банк пластик карта- ларидаги тулов тизимини ҳам жорий этиш мумкин бўлади;

Бу тадбирлар сут ва гўштмаҳсулотлари сифатининг яхшиланишига олибкелади ва

бундан биринчи навбада қайта ишловчилар манфаатдор бўлади.

Юқорида тилга олинган масалаларнинг хал этилиши чорвадор деҳдконнинг қайта ишловчи саноат корхоналари биланИқтисодий муносабатлари яхшиланишига олиб келиб, ушбу тадбирлар томонлар манфаатларига тўлиқ мос келади.

Қишлоқ аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалий натижалари билан боғликдир.

Ўзбекистон учун сувдан фойдаланиш ва сувни тежаш технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида шароити ўхшаш бўлган бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада кўп сув сарфланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ажратилаётган лимитнинг камлиги ва сув учун тўловларнинг юқори эканлигидан шикоят қилишади. Шунинг учун ҳам босқичма-босқич бўлса ҳам томчилатиб суғориш усулига ўтиш зарур. Томчилатиб суғориш нафақат суғориш, балки ўсимликларни озиқлантириш ҳам ҳисобланади. Бунда ўғитлар далага сочиб юборилмасдан сувда эритилади. Мос равишда ҳам ўғит, ҳам сув иқтисод қилинади. Агар очиқ усулда сабзавот етиштиришда томчилатиб суғоришни ривожлантириш тўғрисида гапиришга ҳали эрта бўлсада, иссиқхона хўжалигида уни тўла қўллаш мумкин. Катта идиш(бочка) ва сув беришни созлайдиган жиҳоз билан пластик трубалардан иборат оддий томчилатиб суғориш қурилмасининг нархи қарийб 400 АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг самараси қандай? Ўзбекистондаги иссиқхоналарда сабзавотларнинг ўртача ҳосилдорлиги бир кв.метрдан 5-7 кг ни ташкил қилади, 10 кг ҳосил олиш эса жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади ва бунга ҳар доим ҳам эришилмайди. Энг оддий томчилатиб суғориш қурилмасидан фойдаланиш бир кв.метрдан кафолатли равишда 10 кг ҳосил олиш имконини беради, қўлланилаётган ўғитлар таркибини тўғри танлаш натижасида эса бундан ҳам юқори ҳосил олишга тўла имконият яратилади. Ўзбекистонда деҳқон хўжаликлари асосий мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

